Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 30 ноябрь 1974 йил, шанба № 280 (16.060). ◆ Баҳоси 2 тийин.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТОЖИКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тожикистон ССР меҳнаткашларининг революцион ҳаракатда, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва дунёда биринчи кўп миллатли социалистик давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган курашдаги катта хизматлари учун, Ватанимизнинг душманларига қарши жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги ва коммунистик қурилишдаги муваффақиятлари учун **Тожикистон Совет Социалистик Республикаси Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1974 йил, 29 ноябрь.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ — ҒАЛАБАЛАР МАНБАИ

ТОЖИКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ТОЖИКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига Тожикистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумига Тожикистон ССР Министрлар Советига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Тожикистон ишчиларини, колхозчиларини, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини ва уларнинг жанговар авангарди — коммунистларни тарихий сана — Тожикистон Совет Социалистик Республикаси ва Тожикистон Коммунистик партияси тузилганлигининг 50 йиллиги билан қизғин қутлайдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси тожик халқини социал ва миллий зулмдан озод қилди, Тожикистон социалистик давлатга эга бўлди, рус халқининг ва СССРдаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами билан республика меҳнаткашлари туб социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгартишларни амалга оширдилар. Совет Тожикистони ташкил топган кундан бери ўтган ярим аср мобайнида чор Россиясининг қолоқ мустамлака чекка ўлкасидан юксак даражада ривожланган социалистик республикага айланди.

Тожикистон ССРда замонавий техника билан қуролланган индустрия, қудратли энергетика базаси вужудга келди, халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрланди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республикада саноат ишлаб чиқариши ҳажми 500 баравардан зиёд ошди. Машинасозлик, конруда, химия, енгил саноат юксак даражага эришди. Кўп тармоқли ғоят интенсив қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачилик тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бир қанча йирик ирригация иншоотлари ишга туширилди. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги тобора юксалмоқда, уларнинг турмуши тубдан ўзгармоқда.

Совет Тожикистонида маданият, фан, адабиёт ва санъат мисли кўрилмаган даражада равнақ топди, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш кенг ривожланди. Тожик хотин-қизларининг ҳуқуқсизлик ва зулм-асоратдан озод этилганлиги социализмнинг буюк ғалабасидир. Ҳозирги вақтда хотин-қизлар иқтисодий ва маданий қурилишда, жамиятни ва давлатни бошқаришда актив қатнашмоқдалар.

Тожикистон Совет Социалистик Республикасининг ажойиб муваффақиятлари — социалистик тузум буюк ҳаётбахш кучининг, КПСС бунёдкорлик фаолиятининг, ленинча миллий сиёсат, СССР халқлари дўстлиги тантанасининг ёркин далилидир. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, барча меҳнаткашлар фидокорона меҳнатининг самарасидир.

Тожикистоннинг коммунизм иши учун чексиз садоқат, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбияланган ўғил ва қизлари совет халқларининг ягона оиласида коммунистик қурилишнинг барча участкаларида фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар Улуғ Ватан уруши йилларида Ватанимизнинг барча халқлари билан бир сафда туриб немис фашист боскинчиларига қарши қаҳрамонларча жанг қилдилар, фронтда ва мамлакат ичкарисида Ватанга чексиз содиқ эканликларини намойиш қилиб кўрсатдилар.

КПССнинг жанговар отряди — Тожикистон Коммунистик партияси ўз ярим асрлик тарихининг ҳамма боскичларида омманинг синалган ташкилотчиси бўлди. У меҳнаткашларнинг ижодий ғайратини, партия XXIV съездининг тарихий қарорларини, янги жамият қуриш улуғвор планларини бажаришга актив сафарбар қилмоқда.

Совет Тожикистонининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига қилган Мурожаатига жавобан тўққизинчи беш йиллик топшириқларини ва унинг тўртинчи, белгиловчи йили учун олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун мусобақани кенг авж олдирдилар. Улар республиканинг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, меҳнат унумдорлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, фан-техника тараққиётини тезлатиш учун нутқ билан курашмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Тожикистон Совет Социалистик Республикасининг ишчиларини, колхозчиларини, зиёлиларини юксак мукофот — Октябрь революцияси ордени билан самимий қутлайдилар ва республика меҳнаткашлари Ватанимиздаги барча халқлар билан қардошларча дўстликда, коммунистик қурилиш йўлида янги ажойиб муваффақиятларга эришадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Яшасин, Тожикистон Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин КПССнинг жанговар отряди — Тожикистон Коммунистик партияси!

Яшасин Социалистик Ватанимиздаги барча халқлар дўстлиги ва қардошлигининг мустаҳкам таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Суратда: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний юксак мукофотни Тожикистон ССР байроғига тақиб қўймоқда.
ТАСС—УзТАГ фотоси.

Тожикистон меҳнаткашлари, барча совет кишилари Тожикистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилганлиги ва Тожикистон Коммунистик партияси тузилганлигининг 50 йиллигини шодиёна ва тантанали нишонламоқдалар. 29 ноябрь куни республика Сиёсий маориф уйида Тожикистон Компартияси Марказий Комитети билан Тожикистон ССР Олий Советининг шонли саналарга бағишланган қўшма тантанали мажлиси бўлди.

Залда — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, республика Олий Советининг депутатлари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалик илғорлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армиясининг жангчилари ўтиришибди. Бу ерда барча иттифоқдош республикалардан, Москва Ленинград шаҳарларидан келган кўпгина меҳмонлар ҳам бор.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийни, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовни, республика раҳбарлари — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расуловни, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холовни, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Набиевни қарсақлар билан кутиб олдилар. Тожикистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари, тантаналарда қатнашиш учун келган делегацияларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқаришнинг донгдор илғорлари, жамоатчилик вакиллари ҳам президиумга чиқиб ўтирадилар.

Тантанали мажлисни ўртоқ Ж. Расулов очди. У социалистик миллатларнинг равнақи тўғрисида, совет халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш ҳақида, совет кишиларининг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётганликлари учун Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, шаҳсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга Тожикистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан фарзандлик миннатдорчилигини изҳор этди.

СССР ва Тожикистон ССР давлат гимнлари янграйди.

Тантанали мажлис қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Тантанали марш садолари остида залга қўш орденли Тожикистон ССР байроғи ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг эсдалик байроғи олиб кирилади.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

СОВЕТ ТОЖИКИСТОНИ ЭЛЛИК ЁШДА

Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Мамлакатимиз бугун Тожикистон Совет Социалистик Республикаси ва Тожикистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигини тантанали нишонламоқда. Шу залда иттифоқдош республикаларнинг, қаҳрамон шаҳарлар Москва ва Ленинграднинг делегациялари ўтиришибди. Минг-минглаб совет кишилари, меҳнаткашларнинг жуда кўп коллективлари шонли юбилей билан табриклаб, мактублар ва қутловларини юбордилар.

Бугунги тантана 250 миллионлик бутун совет халқининг, улуғ Ватанимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг муштарак байрами, деб комил ишонч билан айтиш мумкин. Бу байрам ягона, кўп миллатли давлатимизда халқларнинг ярим аср мобайнидаги ҳамкорлигининг, мамлакатимиз тараққиётининг қудратли омили бўлиб қолган ҳаётбахш дўстлигининг яна бир кўригидир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, партиямиз Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев номидан Тожикистон меҳнаткашларини ажойиб юбилей билан қизғин ва самимий муборакбод қилиб, сизларга энг яхши истакларни билдириш шарафига муяссар бўлганлигимдан ғоят мамнунман. Табрикномани топширишга рухсат бергайсиз.

Азиз ўртоқлар, Тожикистон ССР меҳнаткашларининг қилган катта хизматлари учун республикангиз Октябрь революцияси ордени билан мукофотланганлигини хушнудлик билан маълум қиламан. Мана шу янги олий мукофот Ленин ордени ва Халқлар дўстлиги ордени билан биргаликда республикангиз байроғини безатиб туради. Бу орден сизларни Октябрнинг афсонавий кунларида партия илгари сурган олий мақсадлар ва идеаллар йўлида, коммунистик қурилишда янгидан-янги ғалабалар йўлида фидокорона меҳнат қилишга руҳлантиришига шак-шубҳа йўқ.

Октябрь революцияси номидаги орден билан Тожикистон республикаси, шунингдек, ўзининг ташкил топганлигининг шонли йиллигини нишонлаган бошқа республикалар ҳам тақдирланди. Яқиндагина ССР Иттифоқининг 50 йиллиги муносабати билан барча иттифоқдош ва автоном республикаларимиз Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги эсингизда бўлса керак. Мана шу орденларни мужассамлантириб турган нарсалар бир-бири билан узвий, чамбарчас боғлангандир. Айни Улуғ Октябрь халқлар ўртасида тамомила янгича муносабатларнинг вужудга келиши учун мустаҳкам негиз бўлиб қолди. Ленинча миллий сиёсат амалга оширилганлигининг самараси бўлган халқларимизнинг қардошларча бирлиги ўз навбатида социал тараққиётнинг қудратли тезлатиш кучи, социалистик революция ғалабаларини мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлди.

Ленин, Октябрь Революцияси, халқлар дўстлиги совет кишилари онгида умрбод бир-бири билан қўшилиб кетгани каби ҳаммамиз учун азиз бўлган бу тимсоллар бундан буён Тожикистоннинг байроғида ҳам ҳамиша бирга туради.

Ўтган ярим аср мобайнида тарихда ўзининг мазмуни ва улуғворлиги билан мислсиз ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар қадимий тожиклар диёрида ҳам сўнмас из қолдирди, бу ерларда яшовчи кишиларнинг ҳаётини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартирди.

Ярим асрлик юбилей чўққисида туриб қараганда илгари тожик халқи бошидан кечирган забунлик ва миллий камситилиш ҳолати айниқса аянчли эканлиги равшан кўринади. Жаҳонга буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирларни етиштириб берган тожик халқи XX аср бошларига келиб, пароканда бўлиб қолди, феодал-мустабид зулми, сиёсий ҳуқуқсизлик, қашшоқлик ва жаҳолат шароитида яшади.

Бу ўлкаларда Совет ҳокимиятини ўрнатиш қийин, машаққатли иш бўлди. Меҳнаткаш халқ ҳокимияти Тожикистон диёрида узил-кесил қарор топгунга қадар орадан кўп вақт ўтди, жуда катта куч-ғайрат сарфлаш. Совет Россиясининг, унинг шонли Қизил Армиясининг ёрдами зарур бўлди, кўп машаққатларни бошдан кечиришга, кўп қийинчиликларни бартараф қилишга тўғри келди.

(Давоми иккинчи бетда).

УЛКАН ЗАФАР

Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг секретари ўртоқ А. К. КАРИМОВга

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ғ. Н. НАСРИДДИНОВга

Сурхондарё областининг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, механизаторларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг коллективларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини меҳнатда эришилган катта ғалаба — давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши билан қизғин қутлайман.

Аминманки, область колхоз ва совхозларининг меҳнатчилари қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча ишларни қиладилар, келгуси йили пахта, дон, бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг ҳосилдорлигини ва ялпи ҳосилини кўпайтиришга эришадилар, чорвачилик маҳсулдорлигини оширадилар ва беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарадилар.

Л. БРЕЖНЕВ.

1974 йил, 29 ноябрь.

Ўзбекистон Компартияси Наманган область комитетининг секретари ўртоқ М. И. ИБРОҲИМОВга

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВга

Наманган областининг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, механизаторларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг коллективларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини давлатга пахта сотиш юзасидан халқ хўжалик планининг муваффақиятли бажарилиши билан қизғин қутлайман.

Қишлоқ меҳнатчилари суғориладиган деҳқончиликнинг катта имкониятларидан, машиналардан, ўғитдан, фан ва илғор тажриба ютуқларидан моҳирлик билан фойдаланиб, 1975 йилда пахта, дон, сабзавот, мева ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг ҳосилдорлигини ва ялпи ҳосилини оширишларига, чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтиришларига, давлатга барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш юзасидан беш йиллик план топшириқларининг ошириб бажарилишини таъминлашларига аминман.

Л. БРЕЖНЕВ.

1974 йил, 29 ноябрь.

РАЙОН БЎЙСУНИШИДАГИ ШАҲАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Район бўйсунишидаги шаҳарларда қурилиш ишлари қандай бормоқда, меҳнаткашлар депутатлари советлари бу шаҳарларнинг аҳолиси эҳтиёжлари тўғрисида қандай ғамхўрлик қилмоқдалар. Республикадаги шу шаҳарлар ижроия комитетлари раисларининг Узбекистон ССР Министрлар Совети уюштирган уч кунлик семинарда ана шу ва бошқа муҳим масалалар кўриб чиқилди. Семинарни республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров очди. Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг, Министрлар Советининг, республика Госстройининг масъул ходимлари КПСС XXIV съезди қарорлари асосида шаҳар советлари ижроия комитетларининг ишини такомиллаштириш, районга тобе шаҳарларни қуриш ва планлаштириш, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг ишида социалистик қонунчиликка риоя қилиш масалалари юзасидан тингловчилар ҳузурида доклад қилиб, лекциялар ўқидилар.

Семинар қатнашчилари ободончиликни, уй-жой қурилишини, коммунал, маиший, савдо ва маданий хизмат кўрсатишни, жамоат тартибини сақлашни ташкил қилиш сохасидаги иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Шаҳар советлари доимий комиссияларининг иши тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Семинарда Узбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

(УзТАГ).

Бирмадан ватанига қайтаётган ВХР Министрлар Советининг раиси Ене Фок бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси 29 ноябрда Тошкентда тўхтаб ўтди. Делегация расмий визит билан Бирмада бўлган эди.

РАНГУНДАН ҚАЙТАЁТИБ

Тошкент аэропортида ўртоқ Ене Фокни, унинг рафиқасини, делегация аъзоларини Узбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев, республика ҳукуматининг аъзолари кутиб олишди. (УзТАГ).

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ — ҒАЛАБАЛАР МАНБАИ

Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Ўрта Осиёда революция ғалабаларини мустаҳкамлашда В. И. Ленин ташаббуси билан ўша қийин йилларда ташкил этилган Бутун Россия Марказий ижроия комитети билан РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари комиссияси муҳим роль ўйнади. Бу комиссия янги турмушни қарор топтиришда ўлканинг халқ оммасига бебаҳо амалий ёрдам берди. Комиссия тузилиши муносабати билан В. И. Ленин Туркистон коммунистларига мурожаат қилиб қуйидагиларни ёзди: «Туркистон халқлари билан тўғри муносабатлар ўрнатиш энди Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, улуғвор, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир. Совет ишчи-деҳқон республикасининг шу пайтгача эзилиб келган заиф халқларга муносабати бутун Осиё учун ва дунёдаги ҳамма мустамлакалар учун, минглаб ва миллионлаб кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади».

Партия Ўрта Осиёга, шу жумладан, тожик халқига ҳам ёрдам бериш учун Валериан Владимирович Куйбишев, Михаил Васильевич Фрунзе, Михаил Иванович Калинин, Григорий Константинович Оржоникидзе, Ян Эрнестович Рудзутак, Шальва Зурабович Элиава сингари таниқли арбобларни ва бошқа бир қанча атоқли коммунистларни юборди. Қизил Армиянинг ва қизил кўнгилли отрядларнинг кўпгина командирлари, снёсий ходимлари, жангчилари Бухоро амирини, контрреволюцион босмачиларни ва уларнинг ажнабий иттифоқчиларини тор-мор қилишдаги жасоратлари билан шуҳрат қозондилар. Шу олис ўлкаларга Россиянинг саноат ва маданият марказларидан рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг ажойиб фарзандлари — минглаб ишчилар, врачлар, ўқитувчилар, қурувчилар келишди.

Атоқли олим Евгений Никанорович Павловскийнинг номи Тожикистонда яхши маълум. У республикадаги замонавий илмий фикр бешигини тебратди, республика Фанлар академиясининг бевосита ташкилотчиси бўлди. Таниқли селекционери олим Вячеслав Прокофьевич Красичков пахтанинг энг қимматбаҳо ингичка толали серҳосил навларини етиштиришда жуда муҳим роль ўйнади. Марказий районлардан Тожикистонга келган врачлар ва ўқитувчилар ёрдамида соғлиқни сақлаш, халқ маорифи замонавий системасининг асослари қурилди.

Ички контрреволюцияга ва чет эл интервенциясига қарши биргаликда олиб борилган курашда тожик халқининг миллий онги, мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг меҳнаткашлари билан интернационал бирдамлик туйғуси мустаҳкамланди. Тожик халқи орасидан ўз қаҳрамонлари, Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун, социалистик экономика ва маданиятнинг дастлабки маскаларини барпо этиш, турмушни янги негизларда қайта қуриш учун ажойиб курашчилар етишиб чиқди.

Жўра Зокиров, Аҳмадбек Мавлонбеков, Чинор Имомов, Шириншо Шотемир, Абдулло Раҳимбоев, Равшан Боймуродов, Бобо Содиқов, Зайнаббиби Қурбонова, Муқум Султонов, шу ва бошқа кўпгина кишиларнинг номлари тожик халқининг шонли тарихидан муносиб ўрин олди. Республика меҳнаткашлари колхоз тузумининг ташаббускорлари бўлган Саидҳўжа Ўринхўжаев ва Карим Исмоиловлар хотирасини эҳтиёлаб тилга оладилар. Улар кўп йиллар давомида йирик хўжаликларга бошчилик қилиб келдилар ва жуда катта хизматлари учун икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар.

Бугун, байрам айёмида биз партиямизнинг илхомбахш сўзига жон дилдан ва ақл-идрок билан қулоқ солиб, улуғ ғоялар нурини Ватанимизнинг энг олис бурчакларигача таратган, революция ғалабаларини қарор тоштирган, Тожикистонда янги турмуш тантаناси учун фидокорона курашган барча кишиларга чуқур ҳурмат ва ташаккур сўзлари билан қайта-қайта мурожаат қиламиз.

Ўрта Осиёда социализм қурилиши бу ерда яшовчи халқларнинг миллий хусусиятларини ҳар тарафлама ҳисобга олишни жуда равшан талаб қилар эди. Ўрта Осиёда миллий давлат тузилишини такомиллаштириш тўғрисидаги масалани турмушнинг ўзи кун тартибига қўйди. В. И. Ленин бу масалани ҳал этишга принципиал ёндошиш йўлини топди. Руй бераётган воқеаларни чуқур анализ қилиш, синфий кучларнинг нисбати ва жойларнишини сергак ҳисобга олиш, тактикадаги эпчиллик туфайли у бирдан-бир тўғри хулосаларга келдики, шу хулосалар партия миллий сиёсатига асос бўлиб қолди. Шу сиёсат изчиллик билан амалга оширилганлиги 1924 йилда ўзбек, туркман, қирғиз ва тожик халқларининг ўз давлатларини тузишига олиб келди. Шу тарика бу халқларни миллий жиҳатдан жипслаштириш проблемаси ҳал этилди, уларнинг асрий қолоқлигини тугатиш учун, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан равнақ топиши учун негиз яратилди.

Собиқ чор Россиясидаги бошқа мазлум халқлар қатори тожик халқининг ҳам янги турмуш сари зафарли ҳаракати жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик факт бўлиб қолди. Унда Ленининг илгари орқада қолган халқлар капиталистик ривожланиш босқичини четлаб, социализмга ўтишлари мумкинлиги тўғрисидаги таълимоти ўзининг амалий ифодасини топди.

Социализм йиллари мобайнида Совет Тожикистони социал-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий тараққиёт чўққиларига кўтарилди. Эндиликда республика экономикаси бир-бири билан боғлиқ бўлган ягона халқ хўжалик комплекси — умумиттифоқ экономикасининг ажралмас қисмидир. Энг янги техника билан таъминланган ва индустриянинг юздан ортиқ тармоғидан иборат катта-катта саноат корхоналари қурилди. Юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожланмоқда. Республика халқ маорифи ва фани мактаблар, олий ўқув юртлари ва техникумлар, илмий-тадқиқот институтларининг кенг тармоғига асосланади. Тожик адабиёти, музикаси, рассомчилиги ва театри халқнинг ифтихори бўлиб қолди.

Республикада ишчилар синфи вужудга келди, мустаҳкамланди ва чиниқди. Ўз моҳият эътибори билан интернационалист бўлган ишчилар синфи Тожикистон меҳнаткашларининг ҳал қилувчи кучи, авангардидир. Коммунизм йўлидаги тарихий курашда ишчилар синфи тобора янги-янги марраларни эгалламоқда. Партия режаларини бажаришда комил ишонч ва илҳом, букилмас ирода ва қатъият ишчилар синфига хос фазилатлардир.

Колхозчи деҳқонлар ишчилар синфи билан ҳамнафас бўлиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Тожик деҳқонларининг турмуш ва меҳнат шароитлари мутлақо бошқача бўлиб қолди. Одамларнинг ўзи ҳам ўзгарди. Ўз ота-боболарининг тажрибаси, меҳнатсеварлиги, ерга бўлган меҳр-муҳаббатини ўзига сингдириб олган ҳозирги замон деҳқони илғор техникани мукаммал билади, фаннинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга моҳирона жорий этади. У — янги дунёнинг онгли ва актив бунёдкорди. Унинг меҳнати йил сайин тобора кўпроқ мўл ва хилма-хил самаралар бермоқда.

Тожикистон знёлилари меҳнаткашларнинг ягона сафида дадил бормоқдалар. Знёлилар халқ оммасининг билим, тажрибаси, ақл-заковатини ривожлантириб, уни инсониятнинг маданий мероси билан узвий равишда бирга қўшиб, шунинг жами маҳсулини бебаҳо маънавий хазина сифатида халқнинг ўзига сахийлик билан қайтариб бермоқдалар, ўсишда, ривожланишда халққа кўмаклашмоқдалар. Шарқ адабиётининг классиги Садриддин Айний асарлари, Мирзо Турсунзода, М. Миршакар ва бошқа тожик ёзувчиларининг асарлари, Тожикистон атоқли санъат усталарининг ижодий муваффақиятлари мамлакатимизда ва бутун дунёда кўпчиликка машҳур. Ўқитувчилар, врачлар, илмий ходимлар ва техника знёлилари шаънига кўпдан-кўп самимий гаплар айтим келади. Зеро, бу сизларнинг республикангизга нисбатан социализмнинг саховатли заминидагина униб-ўсган мутлақо янги ҳодисадир.

Тожик хотин-қизларининг аянчли қисмати ўтмишда абадий қолиб кетди. «Чўпон ўз подасидаги истаган қўйини сўя олгани каби, эр ўз хотнининг ҳаётига ҳукмронлик қилишга ҳақлидир» — дейилган эди диннинг шафқатсиз қонунида. Феодал тузум аёлларга остонадан ўчоқ бошига, ўчоқ бошидан бешик ёнига боришгагина рухсат берар эди. Эндиликда эса, тожик хотин-қизлари социалистик жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоларидир. Минглаб тожик аёллари ишлаб чиқаришда, илм-фанда, маданиятда, республиканинг ва умуман мамлакатнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнамоқдалар. Аёлларнинг онладаги мавқеи тубдан ўзгарди. Эндиликда ҳам она, ҳам меҳнаткаш бўлган аёлни ҳамма ҳурмат қилади, жамият ва давлат қўллаб-қувватлайди.

Ҳақли равишда айтиш мумкинки, ҳозирги Тожикистон янги социалистик турмуш тарзининг тимсолидир. Республика фахрланаётган жозибадор муваффақиятларга ўнда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг фидокорона меҳнати туфайли, барча совет халқларининг қардошларча мадади ва аввало улуғ рус халқининг жуда катта ёрдами туфайли эришилди. Халқлар буюк дўстлиги ягона иттифоққа жипслашган Тожикистоннинг, барча республикаларнинг тарихий тараққиёт йўлида куч-қувват манбаи, қудратли қўрақатлантирувчи омил бўлди, албатта.

Халқлар дўстлиги — социализмнинг улуғвор ғалабасидир. Революция алангасида вужудга келган бу дўстлик гражданлар уруши ва дастлабки беш йилликлар даврида чиниқди, мустаҳкамлик синовидан ўтди. Бу дўстликнинг пишиқлиги ва енгилмаслиги мамлакат учун бениҳоя оғир синов бўлган Улуғ Ватан уруши сингари имтиҳондан ҳам ўтди. Москва атрофидаги қор билан қопланган далаларда, Волга ва Дон соҳилларида, Украина даштларида ҳамда Кавказ тоғларида тожик халқининг фарзандлари ҳам Совет жангчилари safларида ҳаёт-мамот учун жанг қилдилар. Улар ўз жонажон юртларидан неча минг километр нарида Помир тоғларини, Вахш ва Панж водиларини ҳимоя қилаётгандек қаҳрамонлик ва фидокорлик кўрсатдилар. Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия, Литва, Латвия, Эстония диёрида, Европанинг озод этилган ерларида тожик жангчилари, мамлакатимиздаги барча миллат жангчилари ўз буюк Ватанининг ор-номуси ва мустақиллиги учун курашган ҳамма жойларда қирмизи гуллар миндатдор халқ хотирасининг рамзи каби абадий яшнаб тураверади.

Тожикистоннинг эллик йиллиги барча совет халқлари кучи ва жипслигининг, шу халқлар дўстлиги бузилмаслигининг ёрқин намойишига айланган сўнгги йиллардаги бошқа шонли воқеалар билан бир қаторда туради. Биз ССР Иттифоқининг 50 йиллигини Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Арманистоннинг ярим асрлик юбилейларини тантанали нишонладик. Яқиндагина мамлакатимиз меҳнаткашлари Молдавия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистоннинг юбилейларини байрам қилдилар. Бу юбилейлар, эсингизда бўлса, партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Кишинёвдаги тантаналарда сўзлаган мазмундор ва ёрқин нутқи билан бошланди.

Тожикистондаги бугунги байрам қаҳрамонона йўлнинг жозибадор якунлари, ягона давлат иттифоқига жипслашган барча қардош халқлар ютуқларининг манбаидир тўғрисидаги катта, чинакам умумхалқ гурунгининг бамисоли якуни бўлмоқда. Зотан шу кунларда биз босиб ўтилган йўлга фикран назар ташлар эканмиз, КПССнинг ленинча миллий сиёсати тантанаси тўғрисида қайта-қайта ҳақли ифтихор билан гапирамиз, партиянинг миллий муносабатлар каби муҳим ва мураккаб ижтимоий соҳага ёндошуви тўғрилигига ишонч ҳосил қиламиз. Жуда катта территорияда, битта давлат доирасида ўз иқтисодий ва маданий ривожланиш даражаси жиҳатидан, аҳолисининг сони, ўз тарихи ва миллий анъаналари жиҳатидан шу қадар хилмахил бўлган миллатлар ва элатларнинг мустаҳкам жипслашишига эришилдикки, инсоният тарихида бундай мисоллар асло бўлган эмас.

Бизнинг мамлакатимизда коммунистлар партияси миллий масалани ҳамиша жамиятни социалистик негизларда революцион қайта қуриш тўғрисидаги энг умумий масаланинг бир қисми деб билиб келганлиги туфайлигина миллий масалани муваффақиятли ҳал этиш мумкин бўлди. Фақат социализмгина катта ва кичик халқларни чинакам эркин ва демократик ривожлантириш учун шарт-шароит яратди. Партия миллатларни бирлаштиришнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи каби давлат формасини топганлиги, бу форма совет халқларининг бирлигини, уларнинг манфаатларини узвий равишда қўшиб олиб боришни таъминлашга энг кўп даражада имкон берганлиги туфайли ҳам миллий масалани ҳал этиш мумкин бўлди. Ниҳоят, партия халқларни ягона интернационалистик марксча-ленинча идеология руҳида жипслаштирганлиги туфайли бунга эришилди.

Партия марксизм-ленинизмнинг софлиги учун изчиллик билан курашиб, миллатчилик ва шовинизмнинг, миллий маҳдудлик ва чекланганликнинг ҳар қандай кўринишларига, ленинча миллий сиёсатдан ҳар қандай чекинишларга доимо муросасиз бўлиб келди. Эндиликда социалистик интернационализм Советлар мамлакатидаги барча миллат меҳнаткашларининг бутун вужудига ва қонига сингиб кетди, уларнинг феъл-атвор нормаси бўлиб қолди. Кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи қарор топганлиги туб иқтисодий ва социал-сиёсий ўзгаришларнинг ўзига хос якуни, мамлакатимиздаги миллатлар ва элатлар биргаликда ривожланиб борганлигининг, биргаликда олиб борган кураши ва қилган меҳнатининг натижаси бўлди.

Биз Тожикистоннинг 50 йиллигини бирга, республика Компартиясининг ярим асрлик юбилейини ҳам нишонламоқдамиз. Тожикистон Компартияси ўзининг бутун шонли тарихи давомида доимо КПССнинг ажралмас, содиқ отряди бўлиб келди, партиямиз Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашиб келди. Республика партия ташкилоти ҳозир экономика ва маданиятнинг турли соҳаларида ишлаб турган, ўз ишининг ҳақиқий ташаббускорлари, ажойиб билимдонлари бўлган жуда кўп кадрларни вояга етказди, тарбиялади ва сиёсий жиҳатдан чиниқтирди. Республика Компартияси Марказий Комитети, область, район ва шаҳар партия органлари Тожикистон коммунистларининг активлигини ҳар томонлама ривожлантиришга ва авангардлик ролини оширишга интилмоқдалар, меҳнаткашларнинг кучғайратларини моҳирона бирлаштирмоқдалар, уларни коммунистик жамият қуриш учун курашнинг умумий ўзанига йўлламоқдалар.

Азиз Ўртоқлар, Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, республиканинг барча коммунистларини партия ташкилотингизнинг 50 йиллиги билан қизғин табриклашга, коммунистлар КПССнинг бош йўлини бундан бўён ҳам қатъият ва изчиллик билан ўтказа берадилар, коммунизм идеаларининг тантанаси учун қунт билан курашадилар деб, ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўртоқлар!

Совет халқи партия раҳбарлигида коммунистик қурилиш йўлидан шаҳдам одим ташлаб, олға бормоқда. Мамлакатнинг миллий бойлиги муттасил кўпаймоқда, унинг индустриал ва мудофаа қудрати ўсмоқда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни қайта қуриш илгари мисли кўрилмаган кўламда амалга оширилмоқда. Экономикани ривожлантириш совет кишиларининг фаровонлигини доимо ошириш уларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш борасидаги хилма-хил вазифаларни ҳал этишга тобора кўпроқ даражада бўйсундирилмоқда. Совет давлатини янада мустаҳкамлашда, социалистик демократияни ривожлантиришда, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ролини оширишда, жамиятнинг бутун сиёсати тузилишини такомиллаштиришда муҳим қадамлар қўйилди. Халқаро муносабатларнинг ривожида катта, ўз аҳамиятига кўра тарихий силжишларга эришилди.

Ишларнинг мислсиз катта кўламли, ҳал этилаётган социал-сиёсий вазифаларнинг кенглиги, мамлакатда вужудга келган ишчанлик, чинакам ижодий кайфият вазияти — шуларнинг ҳаммаси партиянинг ўз XXIII ва XXIV съездлари қарорларини амалга ошириш соҳасидаги улуғвор фаолияти жўш урган кейинги йиллар учун айниқса характерли хусуситидир. КПСС партия раҳбарлигининг ленинча принципларига қаттиқ таяниб, одамларга нисбатан ўзаро талабчанлик ва ўртоқлик муносабати, камчиликларга муросасизлик вазиятини бундан буён ҳам ҳормайтолмай мустаҳкамлай беради, ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир ходимнинг ўзига топширилган конкрет участка учун масъулиятини ошира беради. Буни биз тузумимиз битмас-туганмас ҳаётий қобилиятининг манбаларидан бири деб, коммунистик қурилиш ишида ги янги ғалабаларнинг гарови, деб биламиз.

Рўй бераётган ўзгаришлар, уларнинг кўлами ҳамма жойда сезилиб турибди. Ҳозир биз илгари мутлақо уддалай олмайдиган вазифаларни ўртага қўйиб, ҳал этмоқдамиз. Яқинда жаҳонда энг катта Красноярск гидроэлектрстанцияси ишга тушди, Волжск автомобиль заводи ишлаб қуввати даражасига етди, Камада ярим улкан автомобиль заводи, Байкал-Амур магистрали қурилмоқда, Россиянинг қора тупроқли бўлмаган бутун зонасини тубдан қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳар бир республикада, мамлакатнинг ҳар қандай, энг олис бурчагида ҳам замонамизнинг ўзига хос белгиларини кўриш мумкин. Совет Тожикистонининг кундалик воқелиги ҳам бунинг яққол исботидир. Келажакка интилиш бутун мамлакатимиз каби Тожикистонга ҳам жуда хос бўлган фазилатдир. Республика янги қурилишлар хавозалари билан қопланган. Партия Директиваларига мувофиқ бу ерда Жанубий Тожикистон территориал—ишлаб чиқариш комплекси барпо этилмоқда. Ёвондаги катта электр химия комбинати ва республика рангли металлургиясининг тўнғич корхонаси бўлган Тожикистон алюминий заводи. шу комплексга киради. Термиз-Ёвон темир йўли ишга туширилмоқда. Бундан тўрт кун аввал, яъни муддатидан бир ой барвақт Термиздан Вахш водийсининг маркази—Қўрғонтепага биринчи поезд етиб келди. Магистрал қуриб битказилгач, Термиз-Ёвон трассасида ҳар кеча кундузда неча ўн минг тонналаб юк ташиладиган бўлади. Қишлоқ хўжалиги тобора жозибали индустриал қиёфага кириб бормоқда. Қудратли энергетика базаси барпо этилди — ҳозир республикада, масалан, бутун 1940 йилда ишлаб чиқарилган миқдордаги электр энергия 6 кунда ҳосил қилинмоқда.

Кўркам Душанба жўшқин хўжалик ҳаётининг, илмий фикрнинг маркази, маданий обидалар масканидир. Кўп қаватли уй-жой кварталлари, яшнаб турган боғлар ва парклар, янги-янги монументал жамоат бинолари туфайли у мамлакатнинг энг яхши шаҳарлари қаторида турибди. Ваҳолонки, Душанба катта қишлоқ бўлган пайтларни, пахса уйларнинг дераза ва эшиклари фақат ҳовлига қаратилганлигини, кўчалар тор ва нообод бўлганлигини эслайдиган кўпгина кишилар ҳали ҳам бор. Энди бўлса, Тожикистон пойтахтининг дераза ва эшиклари бутун мамлакатга, бутун дунёга очиб қўйилган.

Норак қадимий тожиклар диёридаги янги турмуш тантанасининг рамзидир. Менга айтишларича, Норак — русчасига нур ўчоғи деган маънони билдирар экан. Булут ўпар тоғ тизмалари оралаб ўтадиган узоқ йўл бўйида жойлашган бу қишлоқ илгари машаққатли сафарга чиққан карвонларнингина йўлини ёритар эди. Бу ерда партиянинг иродаси билан, совет халқининг қаҳрамонона куч-ғайрати билан вужудга келган қудратли электр станция бу тоғли ўлка қиёфасини афсонавий тарзда ўзгартириб юборди, янги индустриал районнинг юраги бўлиб қолди. Бу ердан бошланган электр симлари республиканинг ҳамма томонларига ва унинг ташқарисига ҳам тарқалади. Бугунги Норак — социалистик Тожикистони, қайта яшарган Ўрта Осиёнинг ҳамма ерларини чароғон қилган ёрқин машъал деб ҳақли равишда айтиш мумкин!

Ҳозирги беш йиллик топшириқларини бажариш давомида партиямиз ўтказаётган йўлнинг тўғрилиги яққол исботланмоқда. Мамлакатни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш программасининг ҳамма асосий кўрсаткичлари бажарилмоқда. Барча иттифоқдош республикаларнинг халқ хўжалиги ва маданиятини юксалтиришда катта муваффақиятларга эришилди. Умуман олганда, дастлабки тўрт йилнинг тахминий якунлари бизни қаноатлантиради. Бу якунлар совет халқининг шавкатли, қаҳрамонона меҳнатидан ифтихор туйғуларини уйғотади. 1975 йил тўққизинчи беш йиллиқнинг муваффақиятли тугалланиш йили бўлиб қолишига ишончни кучайтиради.

План топшириқларини бажаришнинг аҳамияти юксалиғи, қолган вақт ичида қилинадиган ҳамма ишларнинг муҳимлиги барча коллективлар, ҳар бир меҳнатчи зиммасига ўз имкониятларини алоҳида талабчанлик ва қатъият билан чамалаб кўриш, бутун диққат-эътиборни ҳал этилмаган вазифаларга қаратиш, уюшқоқликни, интизом ва шахсий масъулиятни ошириш вазифасини юклайди. Завод ва фабрикалардан, далалар ва қурилиш майдонларидан келаётган хушхабарлар совет кишилари бей йиллик тақдири учун олиб борилаётган жангда ўзларининг ҳал қилувчи ролини жуда яхши тушунаётганликларидан далолат беради.

Ишчилар, колхозчилар, халқ хўжалиги мутахассисларининг меҳнатдаги юксак ватанпарварлиги, ишлаб чиқаришдаги активлиги социалистик мусобақа давомида зўр куч билан намоён бўлмоқда. Бутун мамлакатда бўлгани каби, Тожикистонда ҳам мусобақа жўшқин ижодкорлик, оммавий ташаббускорлик, омилкорлик руҳида ўтмоқда. Тожикистон ССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига иттифоқдош республикаларга, қаҳрамон шаҳарлар — Москва ва Ленинградга бағишланган зарбдор меҳнат ҳафталари муваффақиятли ўтди. Кўпгина ишлаб чиқариш илғорлари план топшириқларини тамомлаб бўлиб, келгуси беш йиллик ҳисобига ишлямоқдалар.

Биз кеча Тожикистон республикасидаги иккита ажойиб коллектив — Норак гидроузели ва Душанба тўқимачилик комбинатининг иши билан танишдик. Норакда ўтказилган митинг ва суҳбатлар, шонли тўқимачиларингиз билан учрашув бизда жуда кўчли таассурот қолдирди. Аниқ ва пухта ишлаш, меҳнатдаги ватанпарварлик, масъулиятни ҳис этиш, умумий иш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — буларнинг ҳаммаси чуқур мамнуният туйғуларини уйғотади, ана шу коллективлар олдида турган ва жуда ҳам оддий бўлмаган вазифалар муваффақиятли бажарилишига ишонч бахш этади.

«Гидроспецстрой» бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Табар Қурбоновнинг, Душанба тўқимачилик комбинати тўқувчиларидан Ольга Генриховна Стойкованинг, Ленинобод пиллакашлик комбинатидан Акбар Исаев бошлиқ бригаданинг, Қайроққум гидроэлектростанциясининг Инъом Ҳолиқов ва Владимир Захарович Маслаков бошлиқ бригадаларнинг, пахта теришмашинасининг механик-ҳайдовчиси Шариф Туробовнинг, сут соғувчиларидан Суфро Боқиевнинг ва бошқа кўпгина шонли меҳнатчиларнинг ажойиб ишлари умумхалқ ташаккурига сазовордир. Уларнинг ҳаммаси зўр ғайрат билан қилинаётган меҳнатимизнинг чинакам қаҳрамонлари бўлиб, ҳақли суратда тинч даврдаги улуғ меҳнат гвардиясини ташкил этади.

Пахта учун олиб борилган қаттиқ жанг, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун республика иштирок қилган жанг ҳозирги кунда тугалланди. Давлатга 870 минг тоннадан ортиқ пахта топширилди. Бу жуда катта муваффақият, ўртоқлар! Минг-минглаб кишилар, колхозчилар, ишчилар, хизматчилар, студентлар, Совет Армияси жангчиларининг қаҳрамонона ғайрати, юксак онглилиги, оммавий жасорати бу жангда яхлит бир куч бўлиб бирлашди. Тожикистон пахтакорларини, барча меҳнаткашларни ажойиб ғалаба билан чин кўнгилдан табриклашга ижозат бергайсиз!

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шу мўътабар минбарда туриб, бу йил жуда оғир об-ҳаво шароитларида ишлаган, чигит экишдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олишгача ҳамма боскичларда ҳосил учун қаттиқ жанг олиб борган ва бу жангда ғалаба қозониб, совет пахтачилиги тарихида мисли кўрилмаган натижаларга эришган бошқа пахтакор республикаларнинг шонли меҳнаткашларини ҳам табриклашни истаймиз.

Ҳозирги беш йиллик аввалги беш йилликлар каби тарихга коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришнинг муҳим боскичи бўлиб киражаги белгилангина машҳур бўлиб қолмайди. Биз экономикада КПСС XXIV съезди томонидан амалга оширилган рағбатлантириш, ошкора қуролли ҳужум қилиш формасидаги, иккинчи жаҳон урушидан кейин эса, «коммунизмни тийиб туриш», «улоқтириб ташлаш» формасидаги зўравонлик сиёсатининг барбод бўлганлиги империалистик давлатлардан ўз ташқи сиёсий йўлини неча ўн йиллар мобайнида белгилаб келган кўпгина антисовет догма ва доктриналардан воз кечишни талаб қилди. Адолатли, демократик тинчлик идеаллари ҳозирги кунда тобора эътироф этилиб, халқаро муносабатлар практикасида қарор тоста бошланганлиги, ғарб мамлакатлари бирин-кетин бир билан ҳамкорлик қилиш йўлига ўтишга мажбур бўлганлиги Совет Иттифокининг иқтисодий ва мудофаа қудрати мустаҳкамланганлигини, ленинча ташқи сиёсат ҳаётийлигини, партиямиз XXIV съезди белгилаб берган йўл изчиллик ва сабот-матонат билан амалга оширилаётганлиги натижасида бунга эришилганлигини яққол исбот этувчи далил эканлигини кўриб билмаслик мумкин эмас.

Ўз-ўзидан равшанки, биз капиталистик мамлакатлар билан ҳамма масалаларда ҳам дарҳол ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. деб айтиб бўлмайди. Бизнинг улар билан муносабатларимиз сифат жиҳатидан бир хил хусуситларга эга эмас, тўла-тўкислиги жиҳатидан ҳам бир хил эмас. Биз тинчликсевар ва ҳамкорлик қилишга тайёр турган, халқаро ҳуқуқ нормаларига қаттиқ амал қиладиган барча давлатлар билан — кўп асрлик тарихига эга бўлган ва нисбатан ҳали яқиндагина ташкил топган катта ва кичик давлатлар билан анъана бўлиб қолган дўстлик муносабатларига эгамиз.

Яраш битими тузилганлиги ва ларидан самаралироқ фойдаланиш ҳақида, қўшимча ички резервларни қидириш ҳақида, халқ бойлигининг ҳар бир улушига нисбатан чинакам тадбиркорлик билан муносабатда бўлиш ҳақида ва, албатта, мамлакатнинг меҳнат ресурсларидан рационалроқ, янада тежамкорлик билан фойдаланиш тўғрисида бораётир. Қурилишдаги, саноат корхоналарининг ишидаги, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдаги бир қанча жиддий камчиликларни қатъиян бартараф қилиш керак. Сифат масалалари асосий вазифа қилиб қўйилган ҳозирги кунда бундай камчиликларга асло йўл қўйиш мумкин эмас.

«Янги беш йилликда биз, — деб таъкидлаб ўтган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, — экономиканинг самарадорлигини ошириш йўлини тағин ҳам зўр изчиллик ва қатъият билан ўтказишимиз лозим». Масалага шундай ёндашиш партия, совет, касаба союз, хўжалик органларидан раҳбарлик методларини яхшилашни, ташкилотчилик ва тарбия ишини янада юксак даражага кўтаришни талаб қилади. Шу муносабат билан омманинг ижодий ташаббуси, сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини ҳар томонлама ривожлантириш муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истаймиз. Партия ўнинчи беш йилликни халқ фаровонлигини янада ўстириш йўлида сифат беш йиллигига айлантириш вазифасини кўйди. Совет кишилари, барча меҳнат коллективлари бу вазифани астойдил қўллаб-қувватлашларига шубҳа қилмаймиз. Бу вазифани амалга ошириш йўлидаги кураш умумий кураш тусини олади, ҳақиқатан ҳам бутун халқнинг иши бўлиб қолади.

Келгуси беш йиллик планнинг директивалари ҳозирги пайтда ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳа КПССнинг навбатдаги XXV съезди муҳокамасига тақдим этилади. Партиянинг коллектив фикри қондалар ва йўл-йўриқларда мужассамлаштирилади. Бу директиваларнинг амалга оширилиши халқнинг турмуш даражасини анча юксалтириш, коммунизм йўлида олға қараб янги катта қадам қўйиш имконини беради.

Ўртоқлар!

Меҳнат аҳлининг манфаатлари партиямиз раҳбарлигида ички сиёсат соҳасида ҳам, ташқи сиёсат соҳасида ҳам амалга оширилаётган ижтимоий ўзгартишлар, конкрет тадбирлар қимматининг ҳамиша олий мезони бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Улуғ Октябрь эксплуатация ва жабр-зулм тузумини ағдариб ташлаб, меҳнат аҳлининг мавқеини тубдан ўзгартириб юборди, меҳнат аҳлига келгусининг порлоқ йўлини очиб берди.

Бизнинг революциямиз айни вақтда халқлар ўртасида ўрнатиладиган ва тарихда мисли кўрилмаган принципиал янги муносабатларни, тенглик ва адолат негизларига таянган муносабатларни эълон қилди. Жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг халқаро майдонда пайдо бўлиши унинг капиталистик қуршов билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги масалани дарҳол кун тартибига қўйди.

В. И. Ленин ўша даврдаги халқаро вазиятни синчиклаб таҳлил этишга таянib, унинг сўзлари билан айтганда, совет республикасининг капиталистик давлатлар билан «тинч-тотув яшаши» мумкин ва зарурлигини жуда яқ-ҳол асослаб берди. Аммо ўша даврда бу принцип эътироф этилмади, буржуазия бу принципга кескин суратда қарши чиқди. Империализм масалага ўзича ёндашишни, ўз стратегиясини турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципига қарама-қарши қўйди. Империализмнинг бу стратегияси большевизмни йўқ қилиб ташлаш, ёш Совет давлатини ер юзидан супуриб юборишга очиқдан-очиқ интилишга асосланган эди.

Тарих шу хилдаги стратегияга ва унинг асосланган жуда кўп концепцияларига нисбатан ўз ҳукмини чиқарди. «Санитария тўсиғи» формасидаги фашист агрессиясини рағбатлантириш, ошкора қуролли ҳужум қилиш формасидаги, иккинчи жаҳон урушидан кейин эса, «коммунизмни тийиб туриш», «улоқтириб ташлаш» формасидаги зўравонлик сиёсатининг барбод бўлганлиги империалистик давлатлардан ўз ташқи сиёсий йўлини неча ўн йиллар мобайнида белгилаб келган кўпгина антисовет догма ва доктриналардан воз кечишни талаб қилди. Адолатли, демократик тинчлик идеаллари ҳозирги кунда тобора эътироф этилиб, халқаро муносабатлар практикасида қарор тоста бошланганлиги, ғарб мамлакатлари бирин-кетин бир билан ҳамкорлик қилиш йўлига ўтишга мажбур бўлганлиги Совет Иттифокининг иқтисодий ва мудофаа қудрати мустаҳкамланганлигини, ленинча ташқи сиёсат ҳаётийлигини, партиямиз XXIV съезди белгилаб берган йўл изчиллик ва сабот-матонат билан амалга оширилаётганлиги натижасида бунга эришилганлигини яққол исбот этувчи далил эканлигини кўриб билмаслик мумкин эмас.

Ўз-ўзидан равшанки, биз капиталистик мамлакатлар билан ҳамма масалаларда ҳам дарҳол ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. деб айтиб бўлмайди. Бизнинг улар билан муносабатларимиз сифат жиҳатидан бир хил хусуситларга эга эмас, тўла-тўкислиги жиҳатидан ҳам бир хил эмас. Биз тинчликсевар ва ҳамкорлик қилишга тайёр турган, халқаро ҳуқуқ нормаларига қаттиқ амал қиладиган барча давлатлар билан — кўп асрлик тарихига эга бўлган ва нисбатан ҳали яқиндагина ташкил топган катта ва кичик давлатлар билан анъана бўлиб қолган дўстлик муносабатларига эгамиз.

Яраш битими тузилганлиги ва «Финляндия — Совет Иттифоқи» жамияти ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан совет давлат делегацияси яқинда Финляндия республикасида бўлди. Бу визит, президент У. К. Кекконен билан, Финляндиянинг бошқа раҳбарлари билан учрашув ва суҳбатлар давлатлар ўртасидаги муносабатлар ишонч, дўстлик ва ҳамжиҳатлик принципларига асосланган тақдирда бу муносабатлар нечоғлик муваффақиятли уюштирилиши мумкин эканлигини яна бир марта яққол кўрсатди. Шу нарса диққатга сазоворки, ҳар иккала мамлакатимизгина эмас, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам Совет-Финляндия ҳамкорлигини турли ижтимоий тузумга мансуб мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхши намунаси деб билади.

Биз умуман олганда АҚШ, ГФР ва Франция билан муносабатларимизнинг ҳолатидан мамн

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ—ҒАЛАБАЛАР МАНБАИ

Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

(Боши 1 ва 2-бетларда).

Социалистик ҳамдўстлик халқаро майдонда тинчлик, демократия ва тараққиёт йўлида анча катта муваффақиятларни қўлга киритишда ҳал этувчи роль ўйнамоқда. Қардош социалистик мамлакатларнинг мустаҳкам жипслиги, биргаликда кўрилаётган тадбирларни изчиллик билан мувофиқлаштириб олиб бориши натижасида кейинги йилларда кескинликни бир қанча хатарли ўчоқларини тугатиш, иккинчи жаҳон уруши якунларини тан олиш, бутун ташқи сиёсий фронтга тинчлик мақсадларини кўзлаб қилинаётган ҳужумни зўр ғайрат билан кенг авж олдириш имконияти туғилди.

Бу йил социалистик ҳамдўстлик халқларининг ҳаётида жуда муҳим йил бўлди. Польша, Болгария ва Руминия фашистлар зулмидан озод бўлган ва халқ демократик тузуми ўрнатилган кунининг 30 йиллигини нишонладилар. Немис диёрида биринчи социалистик давлат бўлмиш Германия Демократик Республикаси ташкил этилганлигига 25 йил тўлди. Монголия меҳнаткашлари республика эълон қилинган кунининг 50 йиллигини кечагина байрам қилдилар. Монголия тарихан қисқа вақт ичида феодализмдан социализмга ўтган ва янги ҳаёт қуришда жуда катта муваффақиятларга эришган мамлакатдир. Қардош социалистик мамлакатлар юбилейларининг ҳар бири уларнинг ўзлари танлаб олган йўлга содиқ эканлигини, ана шу мамлакатларнинг халқлари бу йўлда жуда катта муваффақиятларга эришганликларини, марксизм-ленинизм ғояларини тантана қилганлигини, социализмнинг ҳаётий кучини исбот этувчи ёрқин далил бўлди.

Юбилей тантаналари социалистик мамлакатларнинг халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишда, уларнинг давлатини, социалистик демократияни такомиллаштиришда катта муваффақиятларга эришганликларини, социал структурада туб силжишлар содир бўлганлигини намойиш қилди. Юбилей тантаналари социалистик ҳамдўстликни янада кўпроқ жипслаштириш тенденцияси муқаррар давом этиб, комил ишонч билан ўзи учун йўл очиб бораётганлигини ёрқин исбот қилди. Тўла асос билан шуни айтиш мумкинки, социалистик давлатлар ҳамдўстлигида таркиб топган халқларнинг бундай мустаҳкам ва ҳар томонлама ҳамкорлиги тарихда ҳали кўрилган эмас. Юбилейлар қардош социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари Совет Иттифоқига ва унинг ленинчи Коммунистлар партиясига нисбатан муносабатни марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми ишига садоқатнинг негизи деб ҳисоблаётганларини яна бир марта кўрсатди.

Яқиндагина ўзнинг юбилей кунини — ташкил топган кунинг 25 йиллигини нишонлаган Хитой Халқ Республикасидаги вазият бунинг тамомила тескарисидир.

Ҳозирги кунда маочилар раҳбарлигининг хоҳиши билан Хитой ва Хитой халқи дучор бўлган аҳвол тўғрисида ачиниш туйғулари билан гапириш мумкин. Мамлакатнинг экономикаси жиддий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Партия қурилиши, социалистик демократия, қонунчилик принциплари қўпол равишда бузилмоқда. Марксча-ленинча таълимот маоизмнинг социал-шовинистик ғоялари билан алмаштирилган.

Пекин ташқи сиёсат соҳасида буюк давлатчилик, шовинистик йўлни ўтказмоқда, жаҳонга ҳоким бўлиш даъволари илгари сурилмоқда. Хитой раҳбарлари жаҳондаги вазиятни кескинлаштириш йўлини ошкора ўтказиб келмоқдалар, социалистик ҳамдўстликка қарши чиқмоқдалар, халқларнинг миллий озодлик ҳаракатига путур етказмоқдалар. Хуллас, кемани бошқаролмай қолган Хитой Халқ Республикаси социалистик соҳиллардан тобора нари сузиб кетмоқда.

Совет Иттифоқи Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларида КПСС XXIV съезди қарорларида белгиланган принципиал сиёсатга доимо амал қилиб келмоқда. Бизнинг позициямиз партиямиз Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Монголия Халқ Республикасида ўтказилган юбилей тантаналарида сўзлаган нутқида яна бир марта жуда аниқ равшан кўрсатиб берилди. Биз маоизм назарияси ва практикасини саботсиз матонат билан фош қилганимиз ҳолда Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларимизни нормаллаштириш, ҳар икки улуғ халқ ўртасидаги ишонч ва дўстликни тиклаш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Биз буни ўзимизнинг муқаддас интернационал бурчимиз деб биламиз.

Бизнинг олдимизда ички сиёсат соҳасида ҳам, ташқи сиёсат соҳасида ҳам турган проблемалар хилма хил ва мураккабдир. Бизнинг партиямиз бундан буён ҳам кучгайратини аямай, совет халқининг бахт-саодати йўлида, хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш, Ер юзида адолат ва тараққиёт тантанаси йўлида ишлайверади.

Азиз ўртоқлар!

Коммунистик партия ва Совет давлати Тожикистон меҳнаткашларининг янги жамият қурилишидаги муваффақиятларини, уларнинг ССР Иттифоқини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасини муносиб равишда тақдирладилар. Республиканинг байроғида Ленин ордени ва Халқлар Дўстлиги ордени ҳилпираб турибди. Республика ҳайъатига кирган Тоғли Бадахшон автоном областининг хизматлари ҳам тақдирланди. Бу областнинг байроғида ҳам Ленин ордени ва Халқлар дўстлиги ордени порлаб турибди.

Юбилей муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Совет Тожикистонига йўллаган табрикномасида тожик халқининг социализм сари босиб ўтган тарихий йўлининг якунлари тўпланди, республиканинг умумий ишимизга қўшган ҳиссасига юксак баҳо берилди. Бугун Тожикистон ССРга яна бир орден—Октябрь Революцияси ордени топширилади.

Ўртоқ Н. В. Подгорний СССР Олий Совети Президиумининг Тожикистон ССРни Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб берди ва мажлис қатнашчиларининг давомли қарсаклари остида орденни республика байроғига тақиб қўйди.

Азиз ўртоқлар!

Бугун Октябрь Революцияси орденини тошираётиб республика меҳнаткашларини Ватаннинг юксак мукофоти билан самимий табриклайман. Шу залда ҳозир бўлган кишиларнинг, Совет Тожикистонининг барча меҳнаткашларининг янги муваффақиятларга эришувини исташга, сиҳат-саломат ва бахтиёр бўлишларини тилашга ижозат бергайсиз. Сизнинг яшнаб турган ўлкангиз янада бадавлат ва кўркам бўлсин!

Яшасин уч орденли Тожикистон Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин кўп миллатли ягона давлатимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Совет халқининг жанговар — синалган авангарди Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, улуғ Ленин партиясига шон-шарафлар!

(Ўртоқ Н. В. Подгорний нутқи давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

* * *

Тожикистон Совет Социалистик Республикаси ва Тожикистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги тўғрисида Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов доклад қилди.

Ўртоқ Ж. РАСУЛОВ доклади

Тожик халқи улуғвор қувонч ва ифтихор туйғусига тўлиб-тошди, деди у. Республика байроғида Ленин ордени ва Халқлар дўстлиги ордени ёнида Октябрь революцияси ордени ҳам порлай бошлади.

Биз ҳаммамиз шонли сана муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табрикномасини ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг республикамизни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини зўр миннатдорчилик туйғуси билан кутиб олдик.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бизга етказган табриги ва қутлови ҳаммамизни чин кўнгилдан бениҳоя қувонтирди. Биз Леонид Ильичга унинг байрам табриги учун энг қизғин ташаккуримизни ва унга Тожикистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан сиҳат-саломатлик, битмас-туганмас жўшқин куч-ғайрат, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва бахт-саодат йўлида, коммунизм тантанаси йўлида мўътабар ва масъулиятли лавозимда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, тинимсиз ишлай беришини тилаб билдирган истакларимизни етказишингизни сўраймиз. Тожикистон ССРнинг муваффақиятларига бу қадар юксак баҳо берилганлиги учун, самимий қутловлар ва эзгу тилаклар учун Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитетининг бош секретари шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневга қизғин миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Республиканинг ярим асрлик юбилейи нишонланаётган айёмда барча меҳнаткашлар шуни равшан англайдиларки, Совет Тожикистони Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туфайли, доно йўлбошчи ва устоз Владимир Ильич Ленин туфайли, Россия пролетариати ва унинг жанговар авангарди — Коммунистик партиянинг қаҳрамонона жасорати туфайли вужудга келди ва чинакам равнақ топди. Улар чор самодержавиеси вайроналарига озодлик байроғини тикиб, мамлакатнинг мазлум халқларини эски дунёга қарши мислсиз ҳужум бошлашга отлантирдилар, барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлигини метиндек мустаҳкамладилар, эндиликда шу миллат ва элатлар умумхалқ тузумида коммунизм йўлини очиб бормоқда.

Совет Тожикистони ўзининг 50 йиллигини моддий ва маънавий кучлари барқ урган ҳолда кутиб олмоқда, деди сўзини давом эттириб Ж. Расулов. Тожикистон экономикаси мамлакатимиз ўзаро боғланган ягона халқ хўжалик комплексининг ажралмас қисми бўлиб, барча республикаларнинг ва умуман мамлакатнинг манфаатларига монанд келувчи яхлит давлат плани асосида ривожланмоқда. Буни биз барча муваффақиятларимизнинг гарови, деб биламиз.

Бу йил саноат ялпи маҳсулотининг ҳажми 1924 йилдагига нисбатан 545 баравар кўпаяди. Жами ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 57 процентга яқини саноат, транспорт ва алоқанинг улушига тўғри келади.

Республикада бақувват энергетика базаси вужудга келтирилди. Бу йил салкам 4 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинади.

Капитал қурилиш миқёсларининг кенгайиб бораётганлиги республика қиёфасини доимо ўзгартирмоқда. Шаҳарларимиз, ишчи посёлкаларимиз, қишлоқ аҳоли пунктларимиз йил сайин ўсиб обод бўлмоқда. Республика ташкил этилган йили Душанба аҳолиси қарийб беш юз кишидан иборат кичик бир қишлоқ эди. Ҳозир эса аҳолиси сал кам 450 минг кишига бориб қолган замонавий шаҳардир. Шаҳар саноати бир йилда 700 миллион сўмлик ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ҳозирги вақтда Жанубий Тожикистон бойликларини ўзлаштиришнинг биринчи босқичи амалга оширилмоқда. Бу ерда йирик территориал-ишлаб чиқариш комплекси барпо этилмоқда. Қуввати 2,7 миллион киловатт келадиган Норак ГЭСи бу комплекснинг энергетик қалби ҳисобланади. ГЭСнинг дастлабки уч агрегати, шунингдек суғориладиган деҳқончилик шароитида бебаҳо бўлган ва қўлбола Норак денгизида тўпланган сув ҳозирдаёқ коммунизм учун хизмат қилмоқда. Вахш азотли ўғитлар заводи қурилиб ишга туширилди. Мамлакатда энг йирик алюминий корхоналаридан бири бўлган Регар алюминий заводи қурилишида уни ишга тушириш кунлари бошланди. Ёвон электр химия комбинати қурилиши авж олдириб юборилди. Жами узунлиги қарийб 300 километр келадиган Термиз—Қўрғонтепа—Ёвон темир йўл қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Қишлоқда жуда катта социал-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди. Республика суғориш каналлари тармоғи билан қопланди. Суғориладиган ерлар майдони йил сайин кўпайиб, бултур 543 минг гектарга етди. Бу соҳада КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумидан кейин айниқса катта ишлар қилинди.

Совет ҳокимияти йилларида қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш революциядан аввалгига нисбатан саккиз баравар, республиканинг асосий бойлиги бўлган пахта етиштириш эса 26 баравар кўпайди.

Тўқкизинчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 3 миллион 200 минг тоннадан кўпроқ ёки саккизинчи беш йилликнинг шу даврига қараганда 28 процент кўп пахта етиштирилди. Қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг маҳсулотини етиштириш ортди.

Социалистик экономика ривожланиши билан бирга меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражаси узлуксиз юксалмоқда.

Фан ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди. Тожикистонда ўзининг Фанлар академияси, илмий ходимларнинг катта отряди бор. Улар орасида икки мингга яқин фан доктори ва кандидати меҳнат қилмоқда, тўқкизта олий ўқув юрти, 39 та ўрта махсус ўқув юрти ишламоқда. Ҳозир республика аҳолисининг учдан бир қисми таълим олмоқда.

Тожик хотин-қизлари озодликка чиқарилганлиги, улар коммунистик қурилишда актив иштирок этишга жалб қилинганлиги социализмнинг буюк ғалабаси бўлди.

Партия билан халқнинг моҳолит бирлиги, Владимир Ильич Ленин васиятларига, халқлар дўстлигининг ва социалистик интернационализмнинг ленинча ғояларига садоқат, бир-бирига ёрдам беришга, улуғ мақсад сари Коммунистик партия раҳбарлигида биргаликда олга боришга тайёр бўлиб туриш—коммунистик қурилишдаги ўз муваффақиятларининг гарови эканлигини барча совет кишилари каби республика меҳнаткашлари ҳам ақл-идроклари ва қалблари билан тушунадилар, деб таъкидлади нотиқ.

Тожикистон коммунистлари, деди докладчи, ўзларининг улуғ Ленин партиясига мансуб эканликларини фахрланадилар ва буни чексиз қадрлайдилар. Халқимиз, республика партия ташкилоти қаҳрамонона ишлари ва ғалабаларининг бутун ярим асрлик йилномаси улуғ Ленин партиясининг революцион фаолияти билан боғланган. Тожикистон партия ташкилоти эндиликда ўз сафларида 93 мингдан ортиқ коммунистни бирлаштирувчи жипслашган интернационал отряд даражасига ўсиб кўтарилди.

Тожикистон Компартияси партия XXIV съездининг ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги пленумларининг қарорларига амал қилиб, оммани тўқкизинчи беш йиллик планни муддатидан аввал бажаришга уюштирмоқда, деди сўзини давом эттириб докладчи. Саноат ўн бир ойлик программани барвақт бажарди. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма маҳсулотларини етиштириш ҳамда тайёрлаш юзасидан белгиланган планлар ва олинган мажбуриятлар тўла-тўкис, ошириб бажарилди. Пахтакорларимиз айниқса, катта ғалаба қозондилар. Давлатга 870 минг тонна, шу жумладан 270 минг тонна қимматли ингичка толали нав пахта сотилди. Бунча миқдордаги пахта республикада биринчи марта териб олинди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети пахтакорларни меҳнатдаги ажойиб ғалаба билан қизғин табрикладилар, бу ғалабани КПСС XXIV съездининг совет кишилари фаровонлигини юксалтириш соҳасидаги қарорларини муваффақиятли амалга оширишга қўшилган катта ҳисса деб баҳоладилар.

Ер юзида тинчликка оғишмай интилиш—партиямиз ташқи сиёсатининг узоқ муддатга мўлжалланган принципиал йўлидир, деди докладчи. Бу сиёсат Лениннинг Сулҳ тўғрисидаги декретидан КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасигача ривожланиб келди. Шу программани рўёбга чиқариш йўлида олиб борилаётган тинимсиз кураш тобора самарали натижалар бермоқда.

Бу ерда партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, тинчлик учун отишин ва толмас курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев шахсан нақадар баҳодирона иш қилаётганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Бугун ярим асрлик йўлни якунлар эканмиз, деди пировардида ўртоқ Ж. Расулов, Тожикистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари келажакка комил ишонч билан назар ташлаб, ленинчи Марказий Комитетни ишонтириб айтадиларки, улар улуғ Октябрь байроғини бундан буён ҳам баланд кўтариб боравердилар, ўз сафларини жонжон Коммунистик партия тевараги да янада маҳкамроқ жипслаштиравердилар, ўзларининг бутун куч ва ғайратларини коммунизм қуришдан иборат буюк ишга сарфлай берадилар.

(Ўртоқ Ж. Расулов доклади қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

* * *

Тантаналарда қатнашиш учун келган делегацияларнинг раҳбарлари Тожикистон ССР меҳнаткашларини шонли юбилей билан ва Ватаннинг юксак мукофоти билан самимий муборакбод қилдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. Набиев якунловчи нутқ сўзлади. У республикага берилган юксак мукофот учун жонажон Коммунистик партияга, Совет давлатига астойдил миннатдорчилик изҳор этди ва республика меҳнаткашлари партия билан давлатнинг доимий меҳрибонлиги ва эътиборига жавобан социалистик Ватанни янада равнақ топтиришга қўшаётган ҳиссаларини кўпайтирадилар, деб КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматини, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтирди.

Тантанали мажлис ёпиқ деб эълон қилинади. Мажлис қатнашчилари партия гимни—«Интернационал»ни завқ-шавқ билан қўйлайдилар. Залда Улуғ Ленин партияси шарафига, кўпмиллатли Ватанимиз халқларининг ҳаётбахш дўстлиги шарафига табрик хитоблари янграйди.

* * *

Кечқурун тантанали мажлис қатнашчилари учун республика санъат усталари концерт қўйиб беришди. Концертда ўртоқ Н. В. Подгорний, Тожикистон ССР раҳбарлари, тантаналарга келган делегацияларнинг бошлиқлари ҳозир бўлишди.

Концерт зўр муваффақият билан ўтди.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ГУЛИСТОН, 29 ноябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Сирдарё область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Белоруссия ССР партия ташкилотида идеология кадрларини танлаш ва тарбиялаш соҳасидаги иши тўғрисидаги қарори асосида область партия ташкилотининг вазифалари ҳақида область партия комитетининг секретари М. У. Умбетовнинг докладини муҳокама қилдилар.

Пленумда Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров нутқ сўзлади.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ

Қуюв цехининг комсомолёшлар сменаси 22 ноябрда пахта тозалаш машиналарининг муҳим детали бўлган колосникдан 6000 дона тайёрлади. «Союзхлопкомаш» бирлашмасининг Тошкент машинасозлик заводидаги бу смена меҳнатда рекорд ўрнатди.

Колосниклар бундан уч ой муқаддам Москва областидан ташиб келтирилар эди. Ёш ишчилар ва инженерларнинг ташаббусига биноан колосникларни заводда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Биринчи ойда атиги йигирма олти минг дона, иккинчи ойда эса икки баравар кўп колосник тайёрланди. Комсомоллар энди катта ғалабага эришдилар. Улар бир ой мобайнида юз мингдан ортиқ деталь тайёрладилар. (ЎзТАГ).

ЭКРАНДА ЗАМОНДОШИМИЗ ОБРАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН КИНЕМАТОГРАФЧИЛАРИ СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

Республика кинематографчилари союзи правлениесининг 29 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган пленуми сўнгги йилларда яратилган ўзбек фильмларидаги замондошимиз образи мавзуига бағишланди. Пленумда таъкидлаб ўтилганидек, «Ўзбекфильм» киностудиясида сўнгги йилларда яратилган кўплаб лента лар томошабинларнинг эътиборини қозонди. Шу ленталарнинг қаҳрамонлари бизнинг замондошимиз — ишчи, колхозчи, олим, мактаб ўқувчисидир. Режиссер Р. Ботировнинг «Кутгамиз сени, йигит» ва «Мен ардоқлаган инсон» фильмларини, Элёр Эшмухамедовнинг «Учрашувлар ва айрилиқлар» лентасини томошабинлар ва мунаққидлар самимий кутиб олишди.

Пленум қатнашчилари замондошларимиз ҳақидаги фильмларга, уларнинг ғоявий-бадиий савиясига, ўсиб бораётган талаблар асосида республика кинематографчиларининг вазифаларини аниқладилар.

Ҳаёт ҳақиқатини кўнгилга етказа олиш, юракни улуғлаш керак — ажойиб режиссёр Александр Довженко совет кинематографчиларини ана шунга даъват этган эди Ўзбекистон кинематографчилари замонамиз қаҳрамонларини тараннум этиш, унга ўз қалб қўрини бағишлашга интилмоқдалар. (ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг мажлислар залини 29 ноябрда Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари тўлдиришди. Улар Югославия Социалистик Федератив Республикасининг миллий байрами — республика кунига бағишланган дўстлик кечасига келишди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг аъзоси, Ўзбекистон ССР маданият министри Ғ. Н. Нажимов доклад қилди.

Республика Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофоти лауреати Ё. Х. Тўрақулов Югославияга қилган сафаридан олган таассуротларини сўзлаб берди. «Таштекстильмаш» заводининг слесари И. Б. Алёхин Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари номидан Югославия меҳнаткашларини миллий байрам билан табриклади.

Дўстлик кечаси қатнашчилари Македония Социалистик Республикаси маданий оқартув бирлашмаси номига, Тошкент билан биродарлашган шаҳар Скопле шаҳри номига табрик телеграммаси йўлладилар. (ЎзТАГ).

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида 1975 йил қосили учун шудгорнинг бориши тўғрисида шу йил 29 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — шудгор қилинган майдон (минг гектар ҳисобида), учинчи устун — планга нисбатан процент ҳисобида.

ХОРАЗМ	13,0	130,0
Тошкент	210,8	96,7
Андижон	169,3	96,7
Сирдарё	135,6	83,2
Жиззах	119,5	82,4
ҚҚ АССР	36,1	64,5
Самарқанд	141,8	61,6
Наманган	62,9	45,3
Бухоро	83,3	44,8
Фарғона	55,7	39,2
Қашқадарё	47,6	29,0
Сурхондарё	25,4	17,1
Республика бўйича:	1101,0	62,0

Планетамизда

БИРДАМЛИК ШИОРИ ОСТИДА

ПАРИЖ, 28 ноябрь. (ТАСС). ФКП Марказий Комитетининг таклифига биноан визит билан Францияда меҳмон бўлиб турган Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Ле Дик Тхо бошчилигидаги Вьетнам меҳнаткашлар партияси делегацияси шарафига Франция Компартияси бу ерда қабул маросими уюштирди.

ФКП Бош секретари Ж. Марше вьетнамлик меҳмонларни табриклаб, чет эл агрессиясидан зарар кўрган мамлакат экономикасини тиклаш ишида Вьетнам меҳнаткашлар партияси раҳбарлигида Вьетнам Демократик Республикасининг халқи эришган муваффақиятларни таъкидлади.

Ж. Марше француз халқи Вьетнам ватанпарварлари билан бирдамлик ҳаракатини кенгайтирди. Вьетнамга бағишланган Париж битимининг тўла ва қатъий бажарилишига эришади, деди Франция билан ВДР ўртасида доимий ҳамкорлик ўрнатилиши ҳар икки мамлакат манфаатларига мос тушган бўлур эди, деди у.

Ле Дик Тхо жавоб нутқида Вьетнам меҳнаткашлар партияси ва бутун Вьетнам халқи номидан Вьетнам халқининг курашига мадади ва шу кураш билан бирдамлиги учун Франция Компартиясига ҳамда француз халқига астойдил миннатдорчилик изҳор қилди.

У Вьетнамга бағишланган Париж битими қатъий бажарилишини талаб этди.

БУРУНДИДА АМНИСТИЯ

БУЖУМБУРА. 28 ноябрь. (ТАСС). Бугун республиканинг саккиз йиллиги муносабати билан Бурундида амнистия эълон қилинди. Республика президенти М. Мичомберонинг фармонига биноан, сиёсий маҳбуслар шунингдек икки йилдан кўп муддатга ҳукм қилинган маҳбуслар озод қилинади.

Амнистия ҳукмрон бирлик ва тараққиёт партиясининг асосчиси Луи Рвасорега қарши фитнада ва уни ўлдиришда алоқадор бўлган шахсларга нисбатан жорий этилмайди.

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ПРОГРАММ БАЁНОТИ

ҚОҲИРА, 28 ноябрь. (ТАСС). Миср Араб Республикаси бош министри А. А. Хигазий мамлакат халқ мажлисида ҳукуматнинг программ баёнотини эълон қилди.

Ташқи сиёсат масалаларига тўхталиб, у Миср Араб Республикаси қўшилмаслик принципларига содиқ бўлиб қолишини, араб мамлакатлари билан ва жаҳондаги бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилишини айтди. Ҳукумат бошлиғи совет-миср муносабатларини таърифлаб, бу муносабатлар мақсадлар ҳамда манфаатларнинг муштараклигига асосланишини таъкидлади. У Мисрнинг ўз саноатини ривожлантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда Совет Иттифоқининг кўрсатган ёрдамига юксак баҳо берди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг яқинда Мисрга қиладиган визити деди, А. А. Хигазий, шубҳасиз ҳар иккала мамлакат ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

БУЮК ХАЛҚ ХУРАЛИ СЕССИЯСИ

УЛАН-БАТОР, 28 ноябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда саккизинчи чақириқ МХР Буюк Халқ Хуралининг тўртинчи сессияси очилди. Сессияда 1975 йилда МХР халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантириш давлат плани, шунингдек давлат бюджети лойиҳалари муҳокама қилинади.

Сессия ишида МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг раиси Ю. Цеденбал, монголиялик бошқа раҳбарлар қатнашмоқдалар.

Иордания. Мамлакатнинг шарқий районларида оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Мингларб араблар кўчаларга чиқиб Исроил босқинчиларини лаънатладилар. Полиция ва намойишчилар тўқнашувида бирнеча киши ҳалок бўлди, 100 дан ортиқ тинч аҳоли қамоққа олинди. Суратда: Исроил солдатлари намойиш қатнашчисини қамоққа олмоқда.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

САМАРҚАНД. Нурота гилам тўқиш фабрикаси маҳсулотлари мамлакатимизнинг турли бурчакларида маълум ва машҳур. Корхона коллективи белгиловчи йил топшириқларини барвақт ado этди. Суратда: социалистик мусобақа илғори чевар тўқувчи М. Муродова.

Р. Ғафуров фотоси, (ЎзТАГ).

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА

„ЛЕНИН ВА ЎЗБЕКИСТОН“

Бугун республикамиз шаҳар ва қишлоқларида қад кўтарган муҳташам саройлар, олий иморатларга боқиб, биз бундан ярим аср бурун уларнинг ўрнида ночор кулба-ю, қоронғу ғўшалар бўлганини кўз олдимизга келтиришимиз қийин.

Бугун биз осмону-фалакка бўй чўзган 5,3 миллион тонналик пахта хирмони қошида бундан атиги бир неча ўн йиллар муқаддам бир телпак пахтани сават тарозисида ўлчаб олаётган ўзбек деҳқонини тасаввур ҳам қилолмаймиз. Энг муҳими, эгнида юпун яктак, ёруғликка интизор, ўксик ва дардир болалар билан, бугунги озода ва ёруғ синфларда космос илмидан таълим олаётган, бирданига уч-тўрт тилни эгаллаётган ёш авлодни ҳамда кечагина Ликбезда ҳарф уриштириб юрган ўзбек йигити билан бугун атом реакторини бошқараётган ўзбек йигитини сира-сира тенглаштириб бўлмайди.

Эллик йилда эл ўзгаради, деган гап бор. Аммо, эл-юрт нега, қайси сабабларга кўра, қайси томонга қараб ўзгарар экан?!

Бунга бадиий адабиётимиз ва санъатимизда, бадиий фильмларимизда етарли жавоб берилган, албатта. Аммо, шулар баробарида ҳужжатли адабиёт ва ҳужжатли фильмларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ҳужжатли адабиёт ўзининг суронли ҳаётидаги, табиий таровати туфайли мухлисларини ҳамиша ўзига жалб этиб келган.

Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида СССР халқ артисти Малик Қаюмов бадиий раҳбарлиги остида ишлаб чиқарилган тўрт серияли «Ленин ва Ўзбекистон» номли йирик ҳужжатли фильм бизнинг назаримизда. Совет Ўзбекистони тарихини жонлантирувчи мукаммал, монументаль экран асари сифатида жамоатчиликнинг кенг эътиборини қозониб турибди. Бу эпопеяда республикамизнинг 50 йиллик тарихи, халқимиз босиб ўтган йўллар, аччиқ-чучук кунлар ипидан-игнасигача кўз олдимизга келади. Дарҳақиқат, бу фильм халқимизнинг революция кунларидан то бугунги дамгача бўлган кундалик ҳаёти билан таништиради.

Фильмда Ленин ғояларини халқимизга етказишда фидоийлик қилган Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев, Низомиддин Хўжаев сингари инқилоб чавандозларининг барҳаёт сиймоси кўзга ташланади. Энг муҳими шундаки, асарда юқорида номлари қайд этилган кишиларнинг ижтимоий фаолиятини қисман бўлсада акс эттирган нодир лентालардан ўринли фойдаланилган. Бу эса, фильм авторлари кўзда тутган ғояни томошабинга тўла етказишда ниҳоятда таъсирчан восита бўлиб хизмат қилган.

Республикамизнинг 50 йиллик олтин тўйига бағишланган фильмда Узбекистон Совет Социалистик Республикаси эълон қилиниши дамларининг бош воқеа бўлиши қонуний бир ҳол эди. Бутуниттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калининнинг Узбекистонга келиши ва Самарқанд шаҳрида халқ олдида нутқ сўзлаб турган ҳолатини акс эттирган ноёб лентालар томошабинни ҳаяжонга солади.

Маълумки, 30-йиллар халқимиз ҳаётида ғоят улкан ўзгаришлар, тарихий бурилишлар даври бўлди. Фильмда ана шу жараёнларни акс эттирган ранг-баранг лавҳалар бор. Пахта мустақиллиги учун кураш, халқ хашарлари, каналлар қазиш, саводсизликни тугатиш, «Ҳужум» даври воқеалари ўзининг ёрқин муҳрини топган. Республикамиз ҳаётининг ҳар бир соҳасида социализмнинг ғолибона қадамлари сезилмоқда эди. Картинада ана шу дадил қадамларнинг конкрет намуналарини кўрамиз.

Республикада маданий революция мураккаб ва оғир бир шароитда амалга ошмоқда эди. Санъатимиз қелдиргочлари Нурхон ва Турсунойлар ваҳшийна ўлдирилди. Лекин социализм барибир ғалаба қозонмоқда эди. Театрлар ташкил топди, кино шаклланди, Ҳамзадай оташин маърифатчининг ижодлари пайдо бўлди. Мана шу воқеалар шундоқгина кўз ўнгимизга келади.

Уруш йиллари халқимиз учун ниҳоятда оғир синов бўлди. Халқимизнинг минглаб фарзандлари қўлига қурол олиб Ватан ҳимоясига отланди. Фронт орқасида ҳам буюк ва мардонавор меҳнат жанги давом этар, душман босиб олган ерлардан республикага эвакуация қилинган етим-есирларнинг бошини силаш, бошпана бериш халқимиз одамгарчилигини имтиҳон қилмоқда эди. Картинада бевосита уруш ўчоқларини, фронт орқасидаги меҳнат қаҳрамонликларини акс эттирган лентालардан унумли фойдаланилган. Айниқса, буюк ғалаба шодиёналарини акс эттирган лавҳалар томошабинни беихтиёр тўлқинлантиради.

Фильмда урушдан кейинги тинч қурилиш даври, пахта миллионлари учун кураш, индустриал кўтарилишлар — ҳамма-ҳаммаси ўзининг муносиб тасвирини топган. Тошкент зилзиласи ва бу табиий офат туфайли мамлакатимиз халқларининг яна бир бор синовдан ўтган метиндек дўстлиги, партия ва ҳукуматимиз раҳбарларининг зилзила рўй берган куннинг ўзидаёқ Тошкентга етиб келишлари, янги Тошкент қурилиши ва унинг бугунги манзарасини кўрсатиш картинанинг жозиба кучини оширган.

Шубҳасиз, фильм ижодкорлари катта муваффақиятга эришганлар. Бу деган сўз, асарда жузъий етишмовчиликлар йўқ деган гап эмас. Хусусан, ўзбек совет адабиётининг шаклланиши, унинг улкан парвози фильмда етарлича акс этмаган.

Фильм ижодкорлари — сценарийчилар А. Мухтор, И. Раҳим, О. Агишев, Г. Димов, Н. Отауллаева, Ю. Халаминский, режиссёрлар А. Қобулов, Ю. Собитов, И. Гибалевич, операторлар Т. Нодиров, К. Ҳасанов, Т. Рўзиев ва бошқалар катта меҳнат қилишган. Фильмдаги лентालарнинг жуда катта қисмини турли йилларда СССР халқ артисти Малик Қаюмов суратга олган. Атоқли киноҳужжатчимизнинг ғоят катта хизматларини мамнуният билан айтиб ўтиш керак.

Республикамиз ўзининг олтин тўйини нишонлаган улуғ айём кунларида фильмнинг намойиш этилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Абдулла ОРИПОВ.

БИЛАСИЗМИ?

Биринчи автобус 1888 йили Лондон кўчаларида пайдо бўлган. Унинг тезлиги бор-йўғи соатига 11 километрга тенг эди. Шаҳардаги ҳозирги замон машиналарининг тезлиги эса бундан ҳам камайиб кетди. Англия пойтахтида машиналар кўпайиб кетганлиги сабабли, уларнинг ўртача тезлиги ҳозирги вақтда соатига 9 километрга тўғри келяпти.

* * *

Яқинда Голливуд шаҳридаги машина бозорида бир автомобиль энг юқори баҳоланди. 1934 йилда ишлаб чиқарилган «Форд» маркали бу машинани киностудия ходимлари икки юз минг долларга сотиб олишди. Машинани бунчалик қиммат баҳога олган киночиларни қизиқтирган нарса автомобилнинг ёнверида икки юзга яқин ўқ изи борлиги эди. Маълум бўлишича, мазкур машина бундан 40 йил бурун қуча ҳодисаларидан бирида гангстерлар тўдаси ҳужумига дуч келган ва отишма остида қолган. Энди бу «отахон» машина киночиларга ёқиб қолди.

* * *

Мексикада ҳар бир эшак минувчи «чавандоз» алоҳида руҳсатномага эга бўлиши керак. Бундай ҳужжатни қўлга киритиш учун эшак минишни истаганлар кўча ҳаракати қоидаларини ўрганишлари, йўл белгиларини ажрата билишлари зарур ҳамда тегишли ерга ўзларининг саккизта фотосуратларини топширишлари керак.

* * *

Туя шу вақтгача сувсизликка чидаш бўйича энг «қобилиятли» ҳайвонлардан саналб келинган. Бу жонивор икки ҳафтагача сув тотимай кўпчиликни ҳайратга солган. Афсуски, бу борадаги рекорд бошқа ҳайвонга тегишли эканлиги маълум бўлди. Кузатишларга қараганда Мексикадаги олмахонлар сувсиз уч ой яшай оларкан.

* * *

Оқ айиқ совуққа энг чидамли маҳлуқ деб ҳисобланарди. Аммо Норвегияда олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, қаттиқ совуққа чидаш бўйича қутб ўрдагининг олдига тушадигани йўқ экан. Бундай паррандалар 110 даража совуққа чидаб, ўзига хос рекорд қўйишди. Совуққа чидаш бўйича 2-3 ўринларни эса, ғоз билан оқ айиқ «баҳам» кўришди.

ҚЎШ ДЕВОРЛИ САРОЙ

- Варахша саройининг сирлари
- Расмларнинг Москвага саёҳати
- Ярим вайрона обидалар «тил»га кирди
- Утмишимиз дурдоналари
- Оқ филга минган суворийлар

Музей бадиий бойликларини консервация қилиш ва реставрация қилиш Бутуниттифоқ марказий илмий-тадқиқот лабораториясининг ходимлари безатилган филлар карвони тасвирланган ранг-баранг расмларни келтиришди. Бу расмларни қадим замонларда Бухоронинг ғарбида, Қизилқумда жойлашган қадимги саройда шаҳар усталари ишлаган. Бу қадимги расмлар авайлаб ўралиб, доимо тик ҳолатда турғазилган ҳолда келтирилди. Улар илк ўрта аср ёдгорлигидир. Бухоро воҳаси ҳукмдорининг иккинчи қароргоҳи Варахшада бўлган. Варахша девор билан ўраб олинган бўлиб, 9 гектар майдонни эгаллаган.

Илғари тарих фанлари доктори В. А. Шишкин раҳбарлигида бошланган қазишмалар чоғида саройнинг икки зали — хонаи лаъл билан шарқий хоналари тозаланди. Шу хоналарнинг деворларига ишланган стиллаштирилган расмлар оқ филга минган суворийлар билан қоплонлар олишувини тасвирлаган. Бу расмлар яхшилик билан ёмонлик қурашини ифодалаган.

Археологлар учинчи, ғарбий зални қазишга киришганларида унинг деворлари қўшалоқ бўлиб чиқди. Ички деворлар неча ўн йиллар кейинроқ қўтарилган. Шунинг учун илгариги иморат деворларида бўлган ранг-баранг расмлар ёпилиб қолган. Археологлар ички деворларни авайлаб кўчириб олмоқчи бўлганларида деворнинг сири ҳам кўчиб чиқаверди. Шу жиҳатдан ҳатто расмларда нима тасвирланганлигини ҳам аниқлаш мумкин эмас эди. Ўшанда тўхтатиб қўйилган ишлар яна бошланди.

Деворнинг ҳар бир сантиметри ғоятда эҳтиётлик билан — наштар ва мўйқалам билан очиб борилди. Бундай меҳнат зое кетмади — деворлар орасидан янги мазмундаги ранг-баранг расмлар ишланган манзара очилди.

Энди экспедиция қатнашчилари ўзларининг асосий вазифаларига киришдилар. Улар археологик топилдиқларни дала шароитларида мустаҳкамлаш ва реставрация қилиш борасида лабораторияда илгари ишлаб чиқилган методларни амалда синаб кўришлари керак эди. Шунинг учун бир неча оригинал расмлар Москвага саёҳат қилди. Бу ерда улар замонавий физик-химик тадқиқотлар ёрдамида охирги текширувдан ўтади.

(ТАСС).

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

КАЛХАТ ЕНГИЛДИ

Икки хўроз билан бир курка ёнма-ён яшарди. Оқ хўроз қизил хўроз билан сира чиқишмас, улар уришишгани-уришишган эди.

Бир куни хўрозлар «жанги»ни қизиётган пайтда тўсатдан калхат уларга чанг солди. У оқ хўрозни кучли панжасига олди. Қизил хўроз эса курашни эсдан чиқарди ва душманга отилиб, уни чўкилай бошлади. Шу пайт курка ҳам ёрдамга етиб келди. Учовлон чўкиша-чўкиша калхатни... ўлдириб қўйишди.

Ана шу воқеадан сўнг «рақиб»лар дўстлашиб кетишди. Энди биргалашиб юрадиган, уришмайдиган бўлиб қолишди.

Киев области.

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» МАТНИ

1964 йили бутун совет халқи XV аср Шарқ адабиёти, илм-фани ва маданиятининг улуғ намояндаси Абдураҳмон Жомий туғилган кунининг 550 йиллигини кенг нишонлаган эди. Шу сана муносабати билан Иттифоқимизда шоир юбилейига бағишланган анжуманлар, илмий кенгашлар бўлиб ўтди. Буюк шоирнинг «Юсуф ва Зулайҳо», «Баҳористон» асарлари (рус тилида) лирика, ҳикматлар, беш жилдлик танланган асарлари нашр этилди. Республикамиз олим ва нашрилари ҳам бу улуғ санага муносиб совғалар тортиқ этдилар. Фирдавсий мукофоти лауреати, профессор Ш. Шомуҳаммедовнинг «Абдураҳмон Жомий» рисоласи, «Жомий ва Навоий», «Жомийнинг танланган асарлари», «Жомий асарларининг қўл ёзмалари» кабилар шулар жумласидандир.

Юбилейдан сўнг Жомий асарларини янада жиддий ўрганишга киришилиб, унинг «Ҳафт авранг» асари ва девонларининг танқидий матнини яратиш ишлари бошлаб юборилди. Яқинда ана шу ижодий ташаббус ва меҳнатнинг қимматли самараси сифатида шоирнинг «Лайли ва Мажнун» асари Москвада нашр этилди. Достоннинг танқидий матнини истеъдодли шарқшунос Аълохон Афсаҳзод тайёрлаган. Хатни Алиакбар Исфаҳоний кўчирган.

Асар мухтасар, муқаддима, изоҳ ва матндан иборат. Сўз бошида достоннинг танқидий текстини тайёрлашда қўлланилган усул, таянч ва илова нусхаларнинг тавсифи берилган. Муҳими шундаки, Афсаҳзод матнни ҳозирлашда совет шарқшунослиги, манбашунослиги қўлга киритган ютуқлардан самарали фойдаланган, матшунослиқда қабул қилинган илмий услубга суянқ иш кўрган.

Маълумки, Абдураҳмон Жомий асарларининг кўп қўлёзмалари Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Уларнинг тўла тавсифи ўзбек шарқшуносларидан А. Ўринбоев ва Л. Епифановаларнинг «Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган Абдураҳмон Жомий асарларининг қўлёзмалари» (1965 й.) китобида берилган. Жомий «Лайли ва Мажнун»ининг матнини тайёрлашда ҳам достоннинг шу институтда мавжуд нусҳалари асосий нусҳа сифатида хизмат қилган. Хуллас, шарқшунос Аълохон Афсаҳзод узоқ йиллик изланиш ва тинимсиз меҳнат туфайли «Лайли ва Мажнун»ининг мукаммал нусҳасини яратди. Бу хайрли иш шарқшунослигимизда қувончли ҳол бўлди.

Ҳ. ҲАМИДОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — МОСКВА. 10.00 — **Тожикистон ССР ва Тожикистон Компартияси ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши.** 13.00 — Мультфильмлар. 13.30 — Аҳолига кўплаб товарлар етказиб берайлик. 14.00 — Музикали программа. 14.30 — Ота-оналар, сизлар учун. 15.00 — Концерт. 15.30 — **Ҳайвонот оламида.** 16.30 — «Здоровье». 17.00 — ТОШКЕНТ. «Юбилейний» марказий спорт залидан Совет Иттифоқи шаҳарлари болалар терма командаларининг кўргазмали чиқишлари олиб кўрсатилади. 18.00 — «Дорe-ми-фа-соль». 18.30 — **«Ахборот».** 18.45 — Бизнинг суҳбат. 19.05 — Совет кино усталари. Малик Қаюмов. 20.00 — «Ёшлик» почтаси телетомошабинларнинг хатларига жавоб беради. 20.50 — **«Ахборот»,** 21.10 — Назм ва наво. 22.00 — **«Вақт»** 22.30 — **Яшил аравача** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.00 — МОСКВА. **Хоккей: «СПАРТАК» — «КРИЛЬЯ СОВЕТОВ».** 19.15 — 1974 йил қўшиқлари. 20.00 — Москва ва москваликлар. 20.30 — Кинопанорама. 22.00 — Тележурнал (Тошкент). 22.30 — Эстрада программаси. 23.25 — Рақс зали. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/XI да **Севги ва қилич,** 1/XII да **Этик кийган мушук** (кундузи), **Кармен** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/XI да **Оқшомдан тушгача,** 1/XII да **Чақмоқ** (кундузи), **Олтин девор** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/XI да **Кулги кечаси,** 1/XII да **Лаҳма,** 2/XII да **Замонали ва Омонали.**

КИНО

Есения — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ҚОЗОГИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Софийа— НАВОИЙ номли, «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Ингичка ип — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИНИНГ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

олий математика кафедраси мудири (доцент)

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ— ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Аризалар қуйидаги адресга юборилсин: Фарғона шаҳар, Қиргули посёлкаси, Улуғбек кўчаси, 71-уй.

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

ФОТОГРАФ

вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — 1 ЯНВАРГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 34-уй.

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси — ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

2 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00— МОСКВА. 18.35 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Мультфильм. 19.00 — **«Ахборот».** 19.15 — Доғистон АССРнинг муқобил плани — амалда (Москва). 20.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 20.25 — Оламда нима гап? 20.45 — **«Ахборот».** 21.05 — Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30— Шоир Расул Ғамзатовнинг ижодий кечаси. 23.30 — Бокс бўйича халқаро турнир. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.35 — МОСКВА. 19.05 — Янгиликлар. 19.15 — Ўзбекистон композиторлар союзининг пленуми. Концерт (Тошкент). 20.00 — МОСКВА. 20.30 — **Очиқ эшиклар куни** (телеспектакль). 22.00 — ТОШКЕНТ. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. **Хоккей: «БИНОКОР» — АСК** (Хабаровск).

3 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00— МОСКВА. 18.35 — ТОШКЕНТ. 18.45 — Мультфильм. 18.55 — «Дойм тайёр». 19.25 — «Прогресс» программаси. 19.50 — **«Ахборот».** 20.00 — Тўққизинчи студия (Москва). 20.50 — **«Ахборот».** 21.10— Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30— Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 22.50 — **Салом, яхши одам** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 18.35 — МОСКВА. 19.10 — Янгиликлар. 19.20 —Ҳар расмда акс этар қўёш. 19.35 — Концерт. 20.05 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Телефильм. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани. 22.30 — Ярим ҳазил, ярми чин. 23.15— Концерт. 23.55 — Спорт кундалиги. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 ТОШКЕНТ. Концерт. 20.45 — Ўқитувчи экрани. 21.15 — Тошкент янгиликлари. 21.30 — Тошкент ва тошкентликлар.

4 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00— МОСКВА. 18.05 — ТОШКЕНТ. 18.15 — «Юлдузча». 18.35 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.05 — Янгиликлар (Москва). 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Ўн минут музика. 19.40 — Миллионлар ленинча университети. 19.55 — Телефильм. (Москва). 20.55 — **«Ахборот».** 21.15 — Ёш ижрочилар концерти. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Бадиий фильм. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.05 — МОСКВА. 18.35 — Шахмат. 19.05 — Янгиликлар. 19.15 — Халқ ижоди. 19.55 — ТОШКЕНТ. 20.25 — Беш йиллиннинг тўртинчи йили. 20.55 — Телефильм. 22.30 — Ўзингни синаб кўр. 23.50 — Эстрада концерти. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Ўқитувчи экрани. 19.30 — **«Альбатрос»нинг охирги рейси** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 20.35 — Фильм-концерт. 21.00 — Беш йиллик маршрутлари бўйлаб. 21.30 — Тошкент янгиликлари. 21.45 — Жанговар постда.

5 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Болалар учун кўрсатув. 10.40 — СССР халқларининг куйлари. 11.00 — МОСКВА. 17.30 — ТОШКЕНТ. 17.40 — Мультфильм. 17.55 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.25 — **«Мусаффо тонг».** 18.55 — **«Ахборот».** 19.10 — Янгиликлар (Москва). 19.20 — **Оламга саёҳат.** 20.20 — **«Ахборот».** 20.40— Бахтимиз қомуси. 21.00—Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Уз қўлимиз билан** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.30— МОСКВА. 18.55 — Совет Иттифоқи чет эллик дўстлар нигоҳида. 19.10 — Янгиликлар. 19.20 —**Ўқитувчи** (бадиий фильм). 21.00 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани (Тошкент). 22.30 — Байрам концерти. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Концерт. 20.15 — **«Альбатрос»нинг охирги рейси** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 21.20 — Тошкент янгиликлари. 21.35 — **«Альбатрос»нинг охирги рейси** (бадиий фильмнинг 3-серияси).

6 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Мультфильм. 9.50 — Телефильм. 10.20 — **Бир ерда яшаймиз** (телеспектакль). 12.00 — МОСКВА. 17.10 — ТОШКЕНТ. 17.15 — Кинопрограмма. 18.15 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.05 —Шеърият мухлисларига. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30—Машҳур совет композиторлари. Арам Хачатурян. 20.00 — Тележурнал. 20.10 — «Ўзбекистон ҳорвадори». 20.35 — «Ахборот». 20.55 — «Бўстон». 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — **Хоккей: «ДИНАМО» (Москва)—«СПАРТАК» (Москва).** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.10 — МОСКВА. 18.55 — **Артлото.** 20.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 21.00 — Музикали фильм. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Сиҳат-саломатлик» 22.30 — **Бошқа биров эмас** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. **Хоккей: «БИНОКОР» — АСК** (Новосибирск). 21.15 — Белгиловчи йил вахтасида. 21.45 — **«Альбатрос»нинг охирги рейси** (бадиий фильмнинг 4-серияси).

7 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Қўғирчоқ фильм. 10.20 — **Экран хандаси.** 11.00 — МОСКВА. 17.00 — ТОШКЕНТ. 17.05 — Ёш киноҳаваскорлар клуби. 17.55 — «Санъат ғунчалари». 18.25 — **Тошкент — Олмаота мусобақаси.** 18.55 — **«Ахборот».** 19.10 — **Кўк қуёнлар** (бадиий фильм). 20.20 — **«Ахборот».** 20.40 — **Самандар** (спектакль). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Спектаклнинг давоми. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.00 — МОСКВА. 17.20 — Концерт. 18.25 — **Мўъжизасиз мўъжизалар.** 19.25 — Янгиликлар. 19.35—Адабий ўқиш. 20.05 — Цирк чироқлари. 20.50— — Бадиий фильм. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани (Тошкент). 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 15.15 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

8 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 12.00— МОСКВА. 17.10 — ТОШКЕНТ. 17.20 — Мультфильм. 17.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00 — Ота-оналар университети. 18.45 — **«Ахборот».** 19.00 — **Экран хандаси.** 19.40 — **«Ахборот».** 20.00 — **Марҳабо, талантлар.** Самарқанд области ҳаваскорларининг чиқиши. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақа. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.05 — МОСКВА. 19.15 — Янгиликлар. 19.20 — Музикали кўрсатув. 21.10 — Телеспектакль. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — **Алишер Навоий** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.10 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

Ўзбекистон ССР Прокуратураси коллегияси республика прокуратура органларининг кенса ходими, 1943 йилдан бўён КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист, Хоразм область. Шовот районининг прокурори, юстиция маслаҳатчиси

Раҳим КАРИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон радиоси коллективи пропаганда редакциясининг катта редактори Б. Ражабовга акаси

Карим ЖАЛИЛОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика миқёсидаги шахсий пенсионер

Тожихон ҚОДИРОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кучаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Эълонлар — 338142.

Р. 03950. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 280.